

# ЎзХДП фракцияси «Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ҳақида»ги қонун лойиҳасининг қандай меъёрларини ёқлаб овоз берди?

Модда	Меъёр	Меъёрга ЎзХДП муносабати	Модда	Меъёр	Меъёрга ЎзХДП муносабати
3 Модда	Ўзбекистон Республикасининг давлат тили миллий кадрият сифатида эътироф этилади. Давлат тилига беҳурматлик, уни камситиш ва бузиб талқин қилишга йўл қўйилмайди.	✓	15 Модда	Фуқаролик ҳолати далолатномалари, фуқаронинг шахсини ва ҳуқуқларини тасдиқловчи ҳужжатлар ва бошқа ягона намунадаги расмий ҳужжатлар давлат тилида, заруратга қараб, давлат тили билан биргаликда бошқа тилда ҳам расмийлаштирилади.	✓
4 Модда	Ўзбекистон Республикасида тил бўйича камситишга ва давлат тилини билмаслиги муносабати билан фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари чекланишига йўл қўйилмайди. Фуқаролар миллатлараро муомала тилини ўз хоҳишларига қўра танлаш ҳуқуқига эгадирлар.	✓	16 Модда	Ўзбекистон Республикасида таълим давлат тилида ва бошқа тилларда олиб борилади.	✓
8 Модда	Ўзбекистон Республикасида давлат органлари ва бошқа ташкилотларда иш юритиш, статистик ва молиявий ҳисоботлар давлат тилида юритилади.	✓	17 Модда	Маданий-маърифий, театр-томоша, томоша-кўнгилочар тадбирлар давлат тилида ўтказилади, зарурат бўлганда, бошқа тилларда ҳам ўтказилиши мумкин.	✓
9 Модда	Давлат органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан ўтказиладиган илмий ва касбий форумлар, симпозиумлар, конференциялар, семинарлар, шунингдек, тантаналар, тақдирлаш маросимлари ва бошқа тадбирлар давлат тилида олиб борилади.	✓	18 Модда	Ноширлик фаолияти ва оммавий ахборот воситалари фаолияти давлат тилида, шунингдек бошқа тилларда ҳам амалга оширилиши мумкин.	✓
10 Модда	Давлат органлари ва ташкилотларининг ходимлари ўзининг хизмат ва профессионал вазифаларини бажариши учун давлат тилини билишлари шарт.	✓	19 Модда	Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган географик объектлар номларининг йўл белгиларидаги, пешлавҳалар ва бошқа кўрсаткичлардаги ёзувлари давлат тилида, зарурат бўлганда, давлат тили билан биргаликда бошқа тилларда ҳам ифодаланади.	✓
12 Модда	Жисмоний ва юридик шахсларнинг давлат органлари ва бошқа ташкилотлар, уларнинг мансабдор шахсларига давлат тилида ва бошқа тилларда мурожаат қилиш ҳуқуқи таъминланади. Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларига жавоблар мумкин қадар мурожаат этилган тилда баён қилинади.	✓	20 Модда	Давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг муҳрлари, тамгалари кўргазмалари маълумотлари ва бошқа иш қоғозларининг матни давлат тилида бўлиши шарт.	✓
12 Модда “Миллий тикланиш” ДП таклифи	Бошқа тилларда мурожаат қилинган тақдирда мурожаат матнининг давлат тилига таржимаси илова қилиниши шарт. Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларига жавоблар давлат тилида баён қилинади.	✗	21 Модда	Ўзбекистон Республикасининг халқаро ёзишмалари давлат тилида олиб борилади, шунингдек, бундай ёзишмалар давлат тили билан бир қаторда тегишли хорижий тилда ҳам олиб борилиши мумкин.	✓
13 Модда	Ўзбекистон Республикасида суд ишларини юритиш давлат тилида, қорақалпоқ тилида ёки муайян жойдаги кўпчилик аҳоли сўзлашадиган тилда олиб борилади.	✓	22 Модда	Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ва бошқа ахдлашувчи томоннинг тили Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномасининг тилидир.	✓
14 Модда	Ўзбекистон Республикасида нотариал ҳаракатлар давлат тилида амалга оширилади.	✓	23 Модда	Расмий қабуллар ва Ўзбекистон Республикасидаги бошқа давлатлар вакиллари иштирокидаги ўзга тадбирлар бошқа тилларга таржима қилинган ҳолда давлат тилида ўтказилади.	✓